Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 19 октябр сешанба

Сотувда эркин нархда

№ 205 (2243)

## “БИЗ ЎЗ ҲУДУДИМИЗНИ ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАР ДОИРАСИДА БИЗДА МАВЖУД БАРЧА УСУЛЛАР БИЛАН ҲИМОЯ ҚИЛАМИЗ”

### деб баёнот берди Ўзбекистон Президенти И. Каримов Москвада нашр этиладиган “Время МН” газетасига

***Уч ойдирки Қирғизистонда ҳукумат қўшинлари ва Тожикистон ҳудудидан у ерга кириб борган қуролланган диний экстремистлар тўдалари ўртасида тўқнашувлар давом этмоқда. Бишкекдан “Время МН” газетаси мухбирининг хабар беришича, республика жанубидаги вазият ўта қарама-қарши кўринади,ҳарбийларнинг жангариларни сиқиб чиқарилганликлари тўғрисидаги баландпарвоз гаплари улар билан узоқ муддатли уруш прогнозлари билан алмашмоқда. Мухбирнинг таъкидлашича, Ўзбекистон жангариларнинг даъвосига қараганда, асосий мурод-мақсадлари эмиш.***

Мухбирнинг Марказий Осиёда уруш бошланиш хавфи тўғрисидаги саволига Ўзбекистон Президенти бугун халқаро терроризм марказлари диний экстремизм марказлари билан қўшилиб кетди, — деб жавоб берди.

— Доғистондаги ва умуман Россиядаги воқеалардан кейин етарли даражада қудратли, катта молиявий имкониятларга эга, аъло даражада уюшган муштарак марказлар мавжудлиги аён бўлди. Шу боис бугун уларнинг қўллари қай даражада узун эканлигини жиддий тасаввур ҳам қилолмаймиз. Диний экстремизм нафақат бизнинг ҳаниф ислом динимизга, балки у бошқа динларга ҳам хос бўлган хусусиятдир, лекин биз бугун мусулмонлик тўғрисида сўз юритмоқдамиз. Энди менда шундай мустаҳкам ишонч ҳосил бўлдики, деб таъкидлади Президент, бугун халқаро терроризмнинг ҳайвоний сурати кўпчилик учун муқаддас бўлган диний тушунчалар билан ниқобланмоқда. “Соф” ислом учун кураш ниқоби остида террористлар сафидан ўз динининг ҳақиқий қадр-қимматларини тасаввур қилолмайдиган ёшлар ўрин олмоқдалар. Уларни ҳеч ўйламасдан ҳар қандай қўпорувчилик ҳаракатига, осуда ухлаётган кишилар, болалар ва аёлларни қатл этишга тайёр ҳақиқий зомбиларга айлантирмоқдалар. Бундай хавф, айниқса Марказий Осиё минтақасига, хусусан аксарият аҳолиси ислом динида бўлган — Тожикистон ва Ўзбекистонга таҳдид солмоқда. Мени ҳудудни босиб олиш мақсадида амалга оширилаётган ташқи қуролли тажовуз хавфи эмас, балки мияси заҳарланган ёшларни ўзлари ўсиб улғайган шаҳар ва қишлоқларни портлатишга ўргатадиган плацдарм ва базаларни бунёд этишни мақсад қилиб олган диний экстремизм экспансияси хавотирга солмоқда, — деди И.Каримов. Шундан сўнг Президент бу хавф-хатарнинг чегараси йўқлиги, у бир давлат, назорати остида бўлмаган экстремистик марказлардан, айтайлик, жанубдаги қўшнимиздан келиб чиқиши энг мудҳишдир, — деб айтди.

— Зеро биз ҳеч бир ҳукуматга, мисол учун, бунга ҳеч қандай алоқамиз йўқ, деб эътироз билдираётган Покистон ҳукуматига даъволар билан мурожаат этолмаймиз. Ҳа, худди шундай, лекин Покистон ҳудудида дастлаб уч-тўрт ой диний ақидапарастликка, сўнг эса ярим йил мобайнида қўпорувчилик фаолиятига тайёрлайдиган лагерларнинг бунёд этилишига хотиржамлик билан қарамоқда.

Жангариларнинг айнан Ўзбекистонга киришга интилишлари тўғрисидаги саволга жавобан Президент уларнинг диний мойиллик қаерда кучлироқ бўлса ўша ерга интилишларини қайд этди.

— Биз оталаримиз динига эътиқод қиламиз ва ҳеч қачон ундан қайтмаймиз. Ўз номимдан айтаманки: ҳа, мен мусулмонман, Оллоҳ менинг қалбимда. Ҳа, Ўзбекистон — 82 фоиз аҳолиси ислом динига эътиқод қиладиган мамлакат ва ўз дини аҳкомларини жиддий билмайдиган биринчи навбатда, ёшлар ақлини айнитиш учун бу ерда ажойиб имкониятлар мавжуд. Лекин ислом ҳеч қачон экстремистик оқимлар томонидан бунчалик жиддий таҳдидга дучор бўлмаган. Шунинг учун жорий йилнинг сентябр ойида биз Тошкентда Ислом университетини очдик, унинг ҳузурида абитуриентлар учун лицей ташкил этилади.

Айтингчи, дунёга буюк ислом файласуф ва мутафаккирларини берган ҳудудда — Ўрта Осиё, Ўзбекистонда бизларга динни ўргатишга на ҳожат? Ҳа, ислом Саудия Арабистонида вужудга келган, лекин ким уни — динимизни бутун дунёга бундай жозибали кўрсатган, буюк фанга айлантирган? Ҳамма исмларни зикр этиб ўтмайман, мисол учун Пайғамбаримиз Муҳаммаднинг (Саллоллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадиси шарифларини тўплаган буюк Имом ал-Бухорийни олинг. Ҳозирда унинг мақбараси қаерда? Самарқандда! Ал-Бухорийни бундай чўққига кўтарган ким, бутун ислом дунёсидан неча ўн минглаб кишилар зиёрат қилиб кетадиган мажмуани у ерда ким бунёд этди? Нақшбандий мақбарасини, Ат-Термизий мақбарасини ким ободонлаштирди? Мен яна ўнлаб исмларни айтиб ўтишим мумкин! Ўзбекистон ҳукумати динимиздан бутун ўзбек халқи баҳраманд бўлиши учун бор куч-ғайратини сарфламоқда. Совет ҳокимияти даврида бизга ислом динини тарғиб этишга рухсат беришмаган, лекин у, яна бир бор айтаман, қалбимизда бўлган! Лекин бу ерга келиб ислом илоҳиётининг илмий асосларини ишлаб чиққан, Қоҳира ва Дамашқда, Боғдод ва Мадинаю-мунавварада эътироф этилаётган, буюк мутафаккирлар авлодига “соф” исломдан сабоқ бериш мантиқданми!

“Соф” ислом ёки “соф” мусулмон тушунчасининг ўзи йўқ. Буни фақат Оллоҳ белгилайди. Ислом эътиқодининг демократиклиги шундаки, ҳеч қандай тест ва синовлар билан инсонни кофир ёки ҳақиқийларга ажратиш мумкин эмас. Мен буни белгилаш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаганлиги тўғрисида Қуръондан ўнлаб оят ва сураларни келтиришим мумкин, — деб таъкидлади И.Каримов.

— Сиз жангарилар Ўзбекистонга қарши кураш олиб бориш учун Қирғизистон ҳудудига кириб келдилар, деб айтяпсиз. Бу Қирғизистон жамоатчилиги ва раҳбариятида, биз сизларга тегмаймиз, бизга йўл очиб беринглар, қабилидаги хомхаёлни вужудга келтириш борасидаги биринчи уриниш эди. Бу воқеа жиноятчилар одамларни илк бор гаровга олган август ойининг бошида содир бўлди, сўнг қирғизлар 150 минг доллар тўлаб уларни қайтариб олдилар ва тахминан уч ҳафта ўтгандан кейин эса япон геологлари гаровга олинди. Нима учун Қирғизистонда ҳамма нарса август ойи бошида бошланганини ёзишмайди?

У ерда хомхаёлга берилиб кетишди: уларга эмас, балки Ўзбекистонга таҳдид қилишаётган экан,деб.Мени ҳайратга солган нарса сиз ҳам ушбу ривоятни кўпиртира бошладингиз. Нима бўлаётганини эшитинг: суверен давлат ҳудудига олти юз ёки минг кишидан иборат қуролланган тўда кирмоқда... Ахир ҳар бир давлатнинг ўз қадр-ғурур туйғуси бўлиши керак, унинг ҳар бир фуқаросида эса хавфсизлиги сиртдан ҳимояланганлигига ишонч туйғуси бўлиши керак. Бу гапни, шу жумладан, Россия телевидениеси қаердан олди ўзи, эмишки улар Ўзбекистонни ёриб ўтишга уринишган экан, уларни эса киритишмабди. Улар бизнинг эмас, бошқаларнинг душмани, қабилида гап юритиш — гўллик, саводсизлик, қуруқ сафсатадир! Унда Қирғизистон жамики халқаро ҳуқуқ меъёрларини бузган ҳолда қўпорувчиларга бошқа мамлакатга суқилиб киришлари учун ўз ҳудудларини очиб бераётган эканда? Бундай сафсаталарни мен Ўзбекистон билан Қирғизистонни гиж-гижлатишга қаратилган уринишлар деб биламан ва уларни тамоман инкор этаман. Агар бу ҳақиқат бўлганда эди, бўлмаса нима учун жангарилар қирғизларни талон-тарож ва қатл қилишни бошладилар, нима учун Зардоли ва Хўжа Очканда уларнинг хотинларини зўрламоқдалар? Бу, шунчаки, Ўзбекистонга кетаверишда йўл-йўлакай қилинган ишми? Қолаверса сизга яна бошқа гапни айтаман: жангарилар Қирғизистон ҳудудини август ойида кесиб ўтганлари йўқ, улар икки йилдан буён Тожикистондан Қирғизистон орқали Ўзбекистонга бемалол ўтиб юрибдилар.Бунинг натижасида бизда жангарилар хуружлари содир этилди, Қўқон, Андижон ва Наманганда тонналаб портловчи моддалар топилди. Буларнинг ҳаммаси Қирғизистон ҳудуди орқали ташиб келтирилган!

Афғонистонга музокаралар олиб бориш учун қатнаётган, ўзларини ҳуқуқ ҳимоячилари деб атаётган Қирғизистоннинг бир қатор арбобларининг воситачилик миссияси хусусида тўхталиб, Ўзбекистон Президенти улар музокараларни жангарилар билан олиб бораётганини қайд этиб ўтди.

— Воситачи музокараларни ақли расо кишилар билан олиб бориши керак, жиноятчилар билан эмас, — деб аниқлик киритди И.Каримов.

Мухбирнинг, нима учун бу ҳақда илгари гапирилмаган эди, деган саволига жавобан давлатимиз раҳбари қуйидагиларни айтди:

— Бу 500-600 қўпорувчи Қирғизистонга кириб келганда,уларни қуршовга ола бошланганда, қирғизлар сафарбарлик эълон қилиб, қуролли кучларни тўплаганда, бу иш билан жиддий шуғуллана бошлангандан кейингина маълум бўлиб, бу гаплар юзага чиқиб қолди. Бу саволни сиз Қирғизистоннинг махсус хизматларига, жангарилар турган Боткенга бирор марта ҳам бормаган давлат хавфсизлиги вазирига беринг. Сўранг, нима учун уларни босиб олган қишлоқларда боқишди, едиришди, ичиришди, қирғиз қизларини хотинликка беришди? Нега энди улар Қора-Арчадаги сўқмоқлар орқали бемалол у ёқдан бу ёққа юргандилар, йўл кўрсатувчилари эса қирғизлар эдилар?

Ҳа, босқинчилар орасида ўзбеклар бор...Лекин яқинда маълум бўлдики, у ердагиларнинг аксарияти ҳукумат қўшинларига қўшилмаган Бирлашган тожик мухолифати (БТМ) вакиллари ёки БТМ раиси жаноб Нурий таъбирича, назорат қилинмайдиган жангарилар. Эҳтиётда ушлаб туриш учун у бугун уларни шундай деб номлашдан манфаатдор... Ҳозир у тинчлик жарчиси, унинг Ислом уйғониш партияси сайловларда қатнашмоқда, яна, ўзи ҳақида БТМ қуролли кучларининг раҳбари дейиш ноқулай. Унинг “заҳирасидаги” барча одамлари қурол билан Гарм, Қоратегин, Тавилдара ҳудудида юришибди, бу бизга яхши маълум. Агар жаноб Нурий уларни билмайман деб айтаётган бўлса, у ҳолда мен Афғонистон чегарасидан Қирғизистон чегарасигача эмин-эркин юрган ўнлаб отряд қўмондонларининг номини айтаман. У билиб олсинки, бизга бу ўйинлар тушунарли.Қулоққа лағмон осишнинг кераги йўқ! Бундай ўйинларни у Раҳмонов билан ўйнасин, биз билан эмас. Агар Раҳмонов хоҳлаётган бўлса, Нурийга қулоқ солаберсин, зеро уларда анчадан буён ҳукумат билан мухолифат ўртасида тинчлик жараёни олиб борилмоқда, биз эса бундай жараённинг мантиқий хотимасига етишини истаймиз. Аммо бундай ўйинлар кетаётган бир пайтда қуролли отрядлар суверен давлатга нисбатан босқинчиликни амалга оширмоқдалар, чегараларни бузмоқдалар, уларни доимий равишда қурол билан таъминлаб турибдилар, қирғиз ҳудудида яраланганларни эса бамайлихотир довон орқали Тожикистонга олиб кетмоқдалар...

Мухбирнинг Қирғизистоннинг довонни ёпиш ёки ёпмаслик имкониятлари тўғрисидаги саволига И.Каримов қуйидагича жавоб берди:

— У ерда, баландтоғликда, босқинчилар ёқтириб қолган ўнлаб иссиқ булоқли жойлар бор. Қорамиқ деган бир жой мавжудки, у бир томондан қирғизларга, бошқа томондан эса тожикларга тегишли, қирғизларнинг Ўшидан тожикларнинг Жирғатолигача ва у ёғи Хороғга бўлган йўлда жойлашган. Агар улар Ўзбекистонга қарши курашмоқчи бўлган мухолифатчи бўлсалар, унда нега улар ўзбек чегарасидан анча узоқ бўлган Қорамиққа уч марта ҳужум уюштирдилар? Шунинг учунки, бу Афғонистондан Хорог орқали Ўшга ўтадиган асосий наркотик ташиш йўлидир, Ўш эса Марказий Осиёдан Европага наркотик моддалар ташишнинг асосий чорраҳаси ҳисобланади, А.Акаев фақат эндигина у ерга 500 чегарачини қўйиб, бу участкани мустаҳкамлади. Хўш, жангариларнинг Ўзбекистонга қарши урушмоқчи бўлганликлари тўғрисидаги фаразнинг бунга нима алоқаси бор?

У ерда чегарачилар у ёқда турсин, ҳатто Тожикистонни Қирғизистондан ажратиб турувчи бирон бир чегара устуни ҳам йўқ эди. Бу Доғистон довонлари эмаски, у жойлар денгиз сатҳидан 1,5 километргина баланд бўлса, бу ерда эса 3,5-4,5 км. баландлик,атрофни бутунлай қалин қор босган: бомба ташла, ташлама — бирор нарсани яксон этиш мушкул, бомбалар қорга тушади, тамом... Жангарилар эса тинчгина у ёқдан-бу ёққа ўтаверадилар. Мен Қирғизистон президентига нега у ерга чегарачилар қўймаяпсиз?- деб бир неча марта айтган эдим. Балки уларнинг Тожикистон билан бир-бирларига ишонч тўғрисидаги аҳдлашувлари бўлса керак, ё бўлмаса, шунчаки кучлари етмаётгандир, буни қирғиз раҳбариятидан сўраш керак.

Бугун бизга шу нарса маълумки, жангарилар Хўжа Очкан дарасида 50 ўринлик касалхона ташкил этганлар. Улар у ерда ўз ярадорларини тузатадилар, керак бўлса уларни Тожикистон ичкарисига Хоит районига олиб ўтадилар. Қондикўл деган жой бор, у ерда тожикларнинг шахта бошқармасига тегишли санаторий жойлашган. Қондикўл орқали Қирғизистондаги босқинчи гуруҳлар қурол-яроғ, иссиқ кийим-бош билан таъминланадилар, у ерга ярадорлар олиб чиқилади. Менга аниқки, биз бомба ҳужуми уюштирганимизда, ҳамма ярадорларни у ердан Хоит, Жирғатолга ташиб ўтдилар. Уларга ким вертолёт берганини жаноб Нурий айтсин! Яраланган таниқли жангари мулло Абдуллони қаерга олиб кетдилар, нима деб ўйлайсиз? Душанбага! Ўша ерда уни операция қилдилар. Мулло Абдулло ким ўзи, балки ўзбекдир? Йўқ, у ўнлаб бошқаларга ўхшаган, БТМнинг дала қўмондонидир. Унда нимага у ўзбек мухолифатидан, деган гап тарқатилади,сизлар ҳам уни ўйламасдан илиб оласизлар? Бу жаноб Нурийга керак эди. Яқинда матбуот анжуманини ўтказган А.Комилов (Ўзбекистон ташқи ишлар вазири) бизда мавжуд маълумотларнинг фақат юздан бирини ошкора этди. Биз бундан ҳам кўпроқ айтиб беришимиз мумкин, лекин бироз сабр қилганимиз маъқулроқ...

Чеченистон ва Доғистон чегараларида Россия амалга ошираётган операциялар каби биз ҳам Тожикистон ҳудудидаги террористлар базаларига қарши айнан ана шундай операцияларни уюштиришга тўла ҳақлимиз. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, айтмоқчиманки: Ўзбекистон бу базаларга шундай зарба беришга тамоман ҳақлики, у ерда уни анчагача эслаб юришади, ҳатто ўз авлодларига ҳам етказишади. Бундай босқинчилик ҳужумларни биз кечирмаймиз ва биз билан ўйнашга йўл қўймаймиз. Ўз ҳудудимизни халқаро меъёрлар доирасида бизда мавжуд барча усуллар билан ҳимоя этамиз, — деб баёнот берди Ўзбекистон Президенти И.Каримов.

**“Жаҳон” АА.**

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишни такомиллаштириш масалалари» мавзусида семинар бўлиб ўтди.***

Ушбу тадбир Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Америка Юристлар уюшмаси (Марказий ва Шарқий Европа ҳуқуқий ташаббуси дастури) томонидан ташкил этилди.

Семинарни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов олиб борди. Семинар ишида Олий Мажлис депутатлари, Парламент Котибияти ходимлари, халқаро ва ноҳукумат ташкилотларининг вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шу жумладан маҳаллий адлия органларининг муҳокама этилаётган мавзуга бевосита дахлдор бўлган ходимлари, шунингдек, ҳуқуқшунос олимлар иштирок этдилар.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов йиғилганларга Ўзбекистон Республикасида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишни такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди. У кўриб чиқилаётган масала бўйича умумхалқ муҳокамасига қўйилган қонунлар лойиҳаларининг энг муҳим жиҳатларига тўхталиб ўтди. Сўнгра хорижлик меҳмонлар семинар иштирокчиларига Германия фуқаролик ҳуқуқи тизимида суд қарорларини ижро этиш тажрибаси ҳамда АҚШда суд қарорларини ижро этишда суд ижрочилари (маршаллар)нинг тутган ўрни ҳақида гапириб бердилар.

Сўзга чиқувчилар кўп бўлганлигидан, берилган саволлар ҳамда муҳокама этилган муаммолар кўламидан шундай хулоса қилиш мумкинки, семинар мавзусига қизиқиш катта бўлди.

Пировардида семинар ташкилотчилари семинар давомида билдирилган қимматли таклифлар суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш жараёнида ҳисобга олинади, деб қатнашчиларни ишонтирдилар.

## ЯНГИ ТИББИЁТ МАСКАНИ

Республикамиз соғлиқни сақлаш тизимида ўтказилаётган ислоҳотлар туфайли жойларда жаҳон андозалари даражасидаги замонавий шифохоналар, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, хусусий тиббиёт масканлари барпо этилмоқда. Самарқанд шаҳридаги вилоят тиббий маркази шулардан биридир. Ушбу бинони қайта таъмирлашга 700 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди.

Шунингдек, бу марказ учун умумий қиймати 1 миллион 500 минг АҚШ долларига тенг компьютер томографи, 7,5 миллион немис маркаси миқдорида турли замонавий асбоб-ускуналар, 87 минг долларлик сунъий буйрак аппарати ва бошқа ашёлар олиб келинди.

Кеча янги тиббий марказнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов, вилоят ҳокими Э. Рўзиев иштирок этди.

**С. АБДУРАСУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

Тариф битимида иштирок этувчи темирйўл маъмуриятларининг саккизинчи тариф конференцияси Тошкентда иш бошлади.

Бундай анжуман тариф битимида иштирок этадиган темирйўл маъмуриятлари барча мамлакатларида навбати билан ҳар йили ўтказилади.

Бу йилги анжуманда Ўзбекистон, Озарбойжон, Арманистон, Белорус, Грузия, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркманистон ва Украина делегациялари, шунингдек Болтиқбўйи мамлакатлари темирйўл транспорти мутахассислари иштирок этмоқда.

Ягона тариф маконини сақлаб қолиш, бозор иқтисодиёти шароитида юк ташишда рақобат қобилиятини таъминлаш, валюта билан ҳақ тўланадиган юкларнинг биринчи навбатда ташилишини ташкил этиш мақсадида 1993 йилда МДҲда иштирок этувчи давлатлар темирйўл маъмуриятларининг тариф битими имзоланган эди.

Анжуманни ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсадлардан бири битим барча иштирокчиларнинг манфаатларини сақлаб қолган ҳолда 2000 йилда юк ташиш ва халқаро алоқанинг тариф ставкасини тасдиқлашдир.

Ўзбекистон темирйўлчилари ўз нутқларида таъкидлаганларидек, мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятининг тараққиёти транспорт тизимининг халқаро секторини мустаҳкамлашни биринчи даражали вазифалар қаторига қўймоқда. Айни пайтда қўшни давлатларга, сўнгра эса жаҳон ҳамжамиятига чиқишнинг энг қисқа йўналишларида ишончли транспорт йўлларини барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Темирйўлда юк ташишнинг рақобат қобилиятини таъминлаш учун 2010 йилга қадар тариф сиёсатини такомиллаштириш дастури ишлаб чиқилган бўлиб, бу дастурни ички имкониятлар ҳисобига бажаришнинг ўзи юк ташишда тарифларни деярли йигирма фоиз камайтиришга имкон беради.

21 октябрга қадар давом этадиган Тошкент анжуманида иштирок этаётган мамлакатларнинг темирйўл транспорти вакиллари ўз муаммолари ва ютуқлари ҳақида сўзладилар.

**(ЎзА).**

## БМТнинг АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Ўтган жума куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши Афғонистон бўйича резолюция қабул қилди. Унда «Толибон» ҳаракатидан халқаро террорчи Бен Ладенни топшириш талаб қилинган. Акс ҳолда, дейилади резолюцияда, толибларга қарши БМТнинг қатъий санкциялари қўлланилади.

Қабул қилинган резолюцияга кўра толибларга биринчи рақамли террорчини Америка одил судига топшириш учун бир ой муддат берилган. Бен Ладен АҚШнинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналарида ўтган йили содир этилган террорчилик ҳаракатларини ташкил этишда шубҳаланмоқда. Ушбу террорчилик ҳаракатлари оқибатида 225 киши ҳалок бўлган, 4 мингдан ортиқ киши эса жароҳат олган эди. Мазкур қўпорувчилик содир этилгандан сўнг АҚШ Бен Ладеннинг Афғонистондаги базаларига ракета зарбалари берди. АҚШ Давлат департаменти Бен Ладенни қўлга олишга ёрдам берадиган маълумот учун беш миллион доллар миқдорида мукофот эълон қилган эди. Шу билан бирга Вашингтон «Ариана» афғон миллий авиакомпаниясининг ҳисоб рақамларини ёпиб қўйган ва Афғонистон билан савдо-сотиқ қилишни ҳамда «Толибон» ҳаракати назоратидаги ҳудудларга Америка компаниялари томонидан сармоя киритилишини таъқиқлаган эди.

БМТ Хавфсизлик Кенгашида Афғонистон бўйича резолюция бир овоздан қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ Афғонистон Бен Ладенни 14 ноябргача топширмаса, БМТ «Толибон» ҳаракатининг хорижий банклардаги ҳисоб рақамларини ёпиб қўяди ва Қобулга барча халқаро авиақатновлар бутунлай тўхтатилади. Хавфсизлик Кенгаши толиблардан халқаро террорчиларнинг машқ лагерларини Афғонистон ҳудудида жойлаштиришдан воз кечишни талаб қилди. БМТдаги дипломатлар Афғонистон бўйича резолюция ўз вақтида, яъни халқаро терроризм авжига чиққан бир пайтда қабул қилинди, деб ҳисоблашмоқда.

**(«Интернет» хабарлари асосида).**

ХАЛҚ СЎЗИ

## СИЗ «ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЁЗИЛДИНГИЗМИ?

ОБУНА-2000

Биз, Ўзбекистон халқи бугун — XXI аср арафасида келажаги буюк давлатни барпо этишдек улуғ мақсад билан яшаяпмиз. Мустақиллик йиллари мобайнида мамлакатимизда бунинг учун таг-заминли пойдевор яратилди. Буни шу юрт фуқароси бўлган ҳар бир киши ўз кўзи билан кўриб турибди, бунга ҳатто жаҳон ҳамжамияти ҳам холисона тан бермоқда.

**Газета — ҳаёт кўзгуси, «Халқ сўзи»нинг 8 йиллик тахламини варақ-лаган муштарий унда акс этган оламшумул воқеаларга гувоҳдир. Газета — тарих, унинг саҳифаларида республикамизда юз берган барча ўзгаришлар муҳрланиб бормоқда.**

Аммо қўлимизни кўксимизга қўйиб айтамизки, ўтган даврда сиз-у биз ҳамма соҳаларда амалга оширган бунёдкорлик ишларимиз аслида ойдин истиқбол йўлида қўйилган дастлабки дадил қадамлардир. Истиқлол йилларида қўлга киритган энг катта ютуғимиз эса халқимиз онгининг янгилангани бўлди.

**«Халқ сўзи» ижодий жамоаси зиммасига юкланган энг муҳим вазифалардан бири — бу одамлар маънавий дунёсини ўстириш, тафаккурини ўзгартириш. Демак, ана шу ютуқда газетамизнинг ҳам айрича ҳиссаси борлиги биз, журналистларни беҳад руҳлантиради.**

Улуғ мақсадимизга қачон эришамиз? Бу мустақиллик шарофати ила олдимизга қўйилган устувор вазифаларни бажаришимизга, жонажон юртимизнинг бундан-да гуллаб-яшнашини, ҳар бир инсон, ҳар бир оилага муносиб турмуш даражасини таъминлаш учун замон талаблари асосида, жипслашган ҳолда, қўлни-қўлга бериб меҳнат қилишимизга боғлиқ.

**Ана шу йўлда эса «Халқ сўзи» газетаси, ҳамишагидек, Сизга камарбаста бўлғай. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, биз 2000 йилда ҳам Сизларнинг ташаббусларингизни қўллаб-қувватлаймиз, тадбиркорлик фаолиятингизни ҳимоя қиламиз, ютуқларингизни оммалаштирамиз, ҳар қандай камчилик ва тўсиқларга муросасиз бўламиз, шунингдек, ҳар бирингизни мамлакатимиз ҳаёти ва чет элларда юз бераётган воқеалар ҳақидаги қизиқарли ахборотлар билан таништириб боришга сўз берамиз.**

Дарвоқе, Сиз «Халқ сўзи»га обуна бўлдингизми? Нашрларимизнинг индексларини эслаб қолинг:

**«Халқ сўзи» — 229,**
**«Народное слово» — 116.**




## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ ХАБАРИ




Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йилнинг 20 октябридан бошлаб Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллик юбилейига бағишланган, қиймати 25 сўм бўлган эсдалик тангасини муомалага чиқаради.

Танганинг олд томони (аверси) марказида Жалолиддин Мангубердининг жанговор кийим-бошдаги бюсти тасвирланган.

Танганинг орқа томони марказида (реверс) Ўзбекистон Республикаси Герби тасвирланган.

Танганинг ён томони (гурт) расмсиз, силлиқ.

Муомаладаги пул белгилари ва тангалар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 25 сўм бўлган танғаси мулкчилик шакли ва фаолият соҳасидан қатъий назар барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан барча тўловлар учун ҳеч қандай чеклашларсиз қабул қилиниши шарт.

## ЧЎЛҚУВАРЛАР ШАҲРИ ОБОД БЎЛМОҚДА



*Мустақиллик шарофати туфайли шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгармоқда. Чўлқуварлар шаҳри — Гулистонда, айниқса, катта ишлар амалга оширилаяпти. Кейинги уч йил мобайнида ана шу навқирон шаҳарда кўплаб янги турар жойлар, мактаблар ва соғлиқни сақлаш бинолари, спорт мажмуалари, дам олиш масканлари, маъмурий бинолар, чойхоналар, равон йўллар барпо қилинди.*

**СУРАТЛАРДА: «Гулистон» дам олиш мажмуи; мустақиллик рамзи — Ҳумо қуши шаҳар кўркига-кўрк бағишламоқда; «Алпомиш» теннис маркази.**

**Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

***Ривожланган мамлакатларда консалтинг — маслаҳат хизмати айтиш мумкинки, юксак даражада йўлга қўйилган. Бизда эса бунга сал бошқачароқ қаралади. Айниқса, ҳозирги даврда бировга фақат маслаҳат берадиган фирма ёки компания бор экан, десангиз, ё ишонмайди, ё мийиғида кулиб қўя қолади. Мамлакатимиз учун аслида консалтинг хизмати унчалик бегона эмас. Чунки, бизда шу пайтгача хизматнинг юридик консалтинг тури амалда бўлган. Улар фуқароларимизга фақат юридик маслаҳатлар бериш билан шуғулланишади. Лекин соф иқтисодий соҳадаги консалтинг корхоналари бизда ҳали жуда кам. Ана шулардан бири «Атлант-Антик» компаниясидир.***

# ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРИМИЗ БОР

## бу мамлакатимизни янги асрда ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишга хизмат қилади

«Атлант-Антик» компанияси шу йилнинг бошларида ташкил этилди. Реклама йўналишидаги газета ва журналларни кўрган киши «Атлант-Антик» компаниясини эшитмаган бўлиши мумкин эмас. Компания юқорида айтилганидек, иқтисодий соҳада маслаҳатлар бериш билан биргаликда ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган идораларга турли истиқболли лойиҳа, дастурлар ҳам таклиф этади. Ана шу истиқболли лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш учун шериклар излайди, лойиҳа, дастурларни молиявий жиҳатдан таъминлаш, амалга ошириш учун кредит ва инвестициялар топади.

Компания мутахассисларнинг айтишича, «Атлант-Антик» ишлаб чиқариш учун таклиф қилишга мўлжаллаган лойиҳа ва дастурларнинг деярли ҳаммаси иқтисодий жиҳатдан самарали, қисқа муддат (узоғи билан бир йил) ичида фойда келтирадиган таклифлардир. Лойиҳалар турли соҳаларда: саноат, қурилиш, маданият, озиқ-овқат... Улар биз, айниқса, мамлакатимиздаги саноат, қурилиш қишлоқ хўжалиги, маданият, халқ таълими вазирликлари, керак бўлса ҳокимиятлар учун ҳам истиқболли лойиҳа ва дастурлар тайёрлаб бериш, фойдали ҳамкорлик қилишга ҳар томонлама тайёрмиз дейишди.

— Халқимизнинг интеллектуал қуввати биз тасаввур қилганимиздан ҳам анча баланд, — дейди компания мутахассислари. — Биз таклиф қилаётган лойиҳаларнинг анчагина қисми сизу бизга ўхшаган одамларнинг ихтиролари, таклифлари, лойиҳа ва дастурлари асосида тайёрланган. Компаниямиз вакиллари мамлакатимиздаги турли соҳадаги йирик олим ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда мавжуд таклиф-лойиҳаларни ўрганиб чиқади. Ана шу жараёнда, табиийки, баҳс-мунозара ва тортишувлар ҳам бўлади. Таклифларнинг аксарияти ўтмаслиги ҳам мумкин. Биз лойиҳаларнинг истиқболлилигига ишонч ҳосил қилганимиздан кейингина уларни турли соҳалардаги ишлаб чиқиш корхоналари, йирик фирма ва компаниялар учун тақдим этамиз.

«Атлант-Антик»ни турли соҳадаги интеллектуал кучлар — ақл ва ғоялар йиғиладиган, тўпланадиган жой дейиш мумкин. Бу аслида биз учун бироз ғайри табиийроқ туюлса-да, лекин бозор иқтисодиётига асосланган ривожланган мамлакатлар учун мутлақо табиий ҳолдир. Масалан, АҚШда «Атлант-Антик»ка ўхшаш фирма ва компаниялар айни кунда ўн минглаб топилади. «Ғоя — жуда катта пул» деган ибора эҳтимол ана шу жараёнда туғилгандир.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида «Венчур-капитал» деган ибора бор. «Атлант-Антик» каби бир қанча фирма ва компаниялар банклар, йирик саноат, ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликда катта сармоя тўплашади. Ва уни ҳатто таваккал қилиб йирик ихтиро, лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш учун сарфлашади. У ихтиро ёки лойиҳа ҳатто самара бермаслиги мумкин. Бу ўзимизнинг «Уйчининг ўйи биткунча, таваккалчининг иши битибди» деган нақлга ҳам ўхшаб кетади. Агар ўнта йирик ихтиро, таклиф ёки лойиҳадан иккитаси ҳам амалга ошиб, самара бергудек бўлса, ўша мамлакат учун катта ютуқ ҳисобланади. Самара бермаган лойиҳалар учун кўрилган зарар, албатта, ана шунинг ҳисобига қопланиб кетади. «Атлант-Антик» бизнинг иқтисодий ҳаётимизда ҳам ана шундай «Венчур-капитал»лар пайдо бўлишини хоҳлайди. Ва унинг қисқа муддат ичида иқтисодий ҳаётимиздан ўрин олиши, катта даромадлар келтиришига шубҳа қилмайди.

Компания мутахассисларининг айтишича, агар мамлакатимиз табиий ва интеллектуал имкониятларидан янада унумлироқ фойдалансак, мавжуд лойиҳа ва дастурларни ҳаётга тадбиқ этиш жараёнини янада тезлаштирсак, ўн йил ичида ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишимиз муқаррар. Улар, қолаверса, бу бизнинг энг асосий мақсадимиз, саъй-ҳаракатларимиз ҳам ана шунга қаратилган ва бунинг учун барча асослар бор, дейишди.

«Атлант-Антик»нинг ҳозир газ ва нефть саноати, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маданий тадбир ва янги нашрлар бўйича йигирмага яқин истиқболли таклиф ва лойиҳалари бор. Улар қайси вазирлик, ҳокимлик ҳамда ким агар биз билан ҳамкорлик қилишни хоҳласа, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманидаги «Саёҳат сари» меҳмонхонасида учрашишларини айтишди.

**Телефонларимиз: 67-54-38, 185-92-58, 186-86-72, дейишди.**

**Х. НУСРАТОВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 19 октябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 88,71 |
| 1 Австрия шиллинги | 10,76 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 227,56 |
| 10 Бельгия франки | 36,71 |
| 1 Голландия гульдени | 67,21 |
| 10 Греция драхмаси | 4,50 |
| 1 Дания кронаси | 19,94 |
| 1 БАА дирхами | 37,21 |
| 1 АҚШ доллари | 136,65 |
| 1 Миср фунти | 40,07 |
| 10 Испания песети | 8,90 |
| 100 Италия лираси | 7,65 |
| 1 Канада доллари | 92,19 |
| 1 Хитой юани | 16,51 |
| 10 Люксембург франки | 36,71 |
| 1 Малайзия ринггити | 35,96 |
| 1 Германия маркаси | 75,72 |
| 1 Польша злотийси | 33,56 |
| 1 СДР | 189,75 |
| 1000 Туркия лираси | 0,29 |
| 1 Финляндия маркаси | 24,91 |
| 1 Франция франки | 22,58 |
| 1 Швейцария франки | 93,31 |
| 1 ЕВРО | 148,10 |
| 10 Жанубий Корея вони | 1,13 |
| 10 Япония иенаси | 12,86 |
| 1 Россия рубли | 5,30 |
| 1 Украина гривнаси | 30,68 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# ЭКСПОРТ УФҚЛАРИ КЕНГАЯДИ

Тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик... Техникавий ҳамкорлик бўйича Немис жамияти (GTZ) ГмбХ олиб бораётган фаолиятнинг бош мақсадини айнан шу сўзлар билан изоҳлаш мумкин. У — дунёдаги кўпгина мамлакатлар билан яқин муносабат ўрнатган корхоналардан биридир. Шак-шубҳасиз, ушбу қисқартма номни бизнинг мамлакатимизда ҳам бугун яхши билишади. GTZ кўмагида Ўзбекистонда жорий этилаётган лойиҳалар ва дастурлар тўғрисида матбуот саҳифаларида ҳам гапирилди. Шундай бўлса-да, уларни яна бир карра эсга олайлик: «Ўрта ва кичик тадбиркорлик ривожига ёрдам», «Ўқув банкини яратишга кўмак» ва бошқа яна бир қатор лойиҳалар. Техникавий ҳамкорлик бўйича Немис жамияти билан мамлакатимиз ўртасида шериклик муносабатларига 1992 йилда асос қўйилди. Ўтган қисқа вақт ичида, ҳукуматлараро битимларга биноан, 19 та лойиҳа ҳаракатга келтирилди, шундан 5 таси муваффақиятли адоғига етказилди.

GTZ айниқса шерик-ташкилотларнинг режалари ва лойиҳаларини амалга оширишда ишнинг бошланишидаёқ ўз гуруҳлари ҳамда вакилларнинг иштирок этишига катта аҳамият беради. Зеро, аниқ «йўналишли гуруҳлар»нинг жалб этилишигина лойиҳалар ва дастурларнинг самарадорлигини таъминлаши мумкин. Жумладан, мамлакатимиз учун ўта аҳамиятли бўлган «Экспортни ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳасини амалга оширишда ана шуларнинг ҳаммаси ҳисобга олинди. Бу лойиҳа бўйича амалий ишлар шу йилнинг август ойида бошланди. Лойиҳанинг раҳбари жаноб Отмар Вутчердир. У яқинда юқорида тилга олинган Жамиятнинг Ўзбекистондаги марказлаштирувчи бюросига ҳам раҳбар этиб тайинланди.

**ҚИСҚА МАЪЛУМОТ:**

*Отмар Вутчер 1954 йилда туғилган, олий маълумотли иқтисодчи, Англия ва Австралияда таълим олган. Манила шаҳрида савдо масалалари бўйича атташе, Калифорнияда очилган Савдо уйининг бош директори, Австрияда ипотека (гаров) банки бошқарувининг раиси бўлиб ишлаган. 1994 йилдан буён Қирғизистонда GTZ ваколатхонаси раҳбари, шу йилнинг июн ойидан буён эса мамлакатимизда GTZ иш юритувчиси ва «Экспорт ривожига кўмаклашиш» лойиҳасининг раҳбаридир.*

*Халқаро ҳамкорлик*

— Молиявий жиҳатдан, бу — Ўзбекистондаги энг катта лойиҳамиздир, — дейди жаноб Отмар Вутчер биз билан суҳбатда, — унинг ҳажми 2 миллион дойч-маркага тўғри келади ва уни рўёбга чиқариш муддати олти йилга мўлжалланган.

Шуни эслатиш керакки, GTZ ҳар йили ўрта ҳисобда грант тарзида барча лойиҳаларни амалга ошириш учун 5 миллион дойч-марка миқдорида маблағ ажратади.

Лойиҳани амалга ошириш бўйича олиб бориладиган ишларни, шартли равишда, уч босқичга бўлиш мумкин, — дейди Отмар Вутчер. — Биринчи босқичда лойиҳанинг стратегияси аниқланади, бу — экспортни йўлга қўйиш учун нима иш қилиш керак ва ишни қандай ташкил этиш керак, деганидир. Бу борада, лойиҳани бажаришда GTZнинг бевосита маҳаллий шериклари сифатида — Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Ишбилармонлар алоқа маркази, Бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази, Тадбиркор аёллар уюшмаси ва яна бошқа ташкилотлар иш олиб боради, улар ҳаммаси бўлиб еттита шерик-ташкилот. Германиядан келган экспертлар икки ҳафта мобайнида бу тузилмалар билан яқиндан танишди ва тадқиқотлар натижасидан келиб чиқиб, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини энг оқилона уюштиришга қаратилган бир қатор ўз тавсияларини берди. Шериклар учун тренинглар уюштириладиган бўлди, шу асνода мутахассислар экспорт масалалари юзасидан чуқур билим ҳосил қиладилар ва ўз навбатида, уларнинг ўзи экспорт фаолияти соҳасининг муайян йўналишлари бўйича тренерларга айланадилар. Бундан ташқари, GTZ маҳаллий шерикларни ўзларига турдош бўлган хорижий тузилмалар билан алоқа боғлашларига кўмаклашади.

Иккинчи босқичда эса, дейди жаноб Отмар Вутчер, эксперт республиканинг экспорт салоҳиятини бевосита аниқлаш билан шуғулланади. Биз, дейди у, ҳамма соҳани қамраб ололмаймиз. Шунинг учун, ўз олдимизга аниқ мақсадни қўйиб, енгил ва озиқ-овқат саноати соҳаларига тўхталдик. Негаки, бу соҳаларда республиканинг экспорт имкониятлари ғоятда юксак. Тўғри, ана шу йўналишларда айрим қадамлар қўйилган, бироқ бу қўйилган қадамлар қониқтирарли даражада эмас. Шу боисдан, биз «Ўзенгилсаноат» ва «Ўзмевасабзовотсаноат-холдинг» уюшмалари билан яқин ҳамкорликда ишни ташкил этмоқчимиз. Бу босқичда кўрсатадиган ёрдамимиз мажмуасига — шахсларни махсус ўқитиш (бу эса ўзаро мулоқот техникаси, маркетинг таълимидир), фойдали маслаҳатлар, кўргазмаларни ташкил этиш ва уларда қатнашиш малакаларини шакллантириш тадбирлари киради.

Ниҳоят, яна бир эксперт корхоналарнинг аҳволини ўрганади ва уларга баҳо беради. Бу босқичда шерикларимизнинг ўзи ҳам фаол иштирок этади, дейди Отмар Вутчер. Унинг айтишича, корхоналарда ва фирмалардаги жиҳозлар ва ускуналар ўрганилади, экспортга мўлжалланган товарларнинг рўйхати аниқланади. Шу ўринда айтиш керакки, бир қатор корхоналар қайта жиҳозлаш ва ускуналарни модернизациялашга муҳтожликни бошдан кечирмоқда. Ва бу тушунарли: эскирган технология билан экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқариб бўлмайди. Демак, лойиҳанинг давоми сифатида сармояга эҳтиёж кўндаланг бўлаётир. Биз шу лойиҳа доирасида сармоядорларни жалб этиш билан ҳам шуғулланамиз.

Булардан ташқари, дейди жаноб Отмар Вутчер суҳбат ниҳоясида, семинарлар, банкчилар билан «давра суҳбатлари», Божхона қўмитаси ходимлари билан мулоқотлар ўтказилади. Германияга маҳаллий тадбиркорларнинг сафари ҳам уюштирилади, бу сафарлар пайтида лойиҳа бўйича шерикларимиз бу хилдаги фаолиятлар чет элда, йирик кўламда ва кичик доираларда қандай йўлга қўйилганлиги билан юзма-юз туриб танишадилар.

Хуллас, лойиҳа бўйича ишлар дадил қадамлар билан бошлаб юборилди. Сўзимнинг охирида айтмоқчиманки, дейди Отмар Вутчер, Ўзбекистонда ўтказаётган кунларимда шунга ишонч ҳосил қилдимки, бу мамлакатнинг салоҳияти жуда-жуда қудратли, жумладан, экспорт соҳасидаги имкониятлари ҳам ниҳоятда катта.

**М. САФАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



*Шаҳрисабздаги «Кумуш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти пиллани қайта ишлаш борасида улкан муваффақиятларни қўлга киритаётир. Бир йилда минг тоннадан зиёд пиллани қайта ишловчи ушбу корхонада 1400 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Ишчиларга меҳнат шароитларининг яратилганлиги, инсон омилига эътибор, қолаверса меҳнат ҳақининг ўз вақтида узлуксиз бериб борилаётганлиги иш самарадорлигини юқори бўлишида ижобий натижа бераётир.*

**СУРАТДА: ўз касбининг фидойиси Гулсанам Қораева.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# ЭРТАСИ ОЙДИН ДАРГОҲ

Ташқи кўринишининг ўзиёқ беихтиёр эътиборни жалб этадиган бу ўқув масканида бир йўла 250 нафар ёшлар ўқишни бошлади. Ҳали бўёқ ҳиди анқиб турган кенг ва шинам хоналарга энг замонавий ўқув жиҳозлари ўрнатилган.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида»ги қарорининг амалда бажарилишига Самарқанд вилоятида ҳам катта эътибор берилаяпти. Янги ўқув йилидан Самарқанд шаҳрида енгил саноат касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсата бошлаганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

— Мазкур ҳукумат қарори Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари тармоғини яратиш ва ривожлантириш, уларни республика ҳудудида мақбул жойлаштириш ва замонавий талабларга мувофиқ техника билан жиҳозлаш бўйича белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида қабул қилинди, — дейди коллеж директори Татьяна Тошева. — Қаранг, биргина билим юртини касб коллежига айлантириш учун давлатимиз томонидан 180 миллион сўм ажратилди. Жиҳозлар учун 22 миллион сўм сарфланди. 25 та «Зингер» русумли тикув машиналари олдик. Замонавий компьютерларга ҳам эгамиз. Эндиликда биз ҳукуматимизнинг ана шундай беқиёс ғамхўрликларига нисбатан ёшларга ҳар томонлама чуқур таълим бериш билан амалий жавоб бермоғимиз керак.

*Таълим ислоҳоти*

Коллеждаги ўқитиш тизими енгил саноат ва иқтисодиёт соҳаларига йўналтирилган. Кадрлар ҳам ана шу жиҳатлар ҳисобга олинган ҳолда танланган. 25 нафар ўқитувчи ва 25 нафар ишлаб чиқариш устаси талабаларга билим ва касб-ҳунар сирларини ўргатишмоқда.

Келажагимиз эгалари ёшлар камолоти йўлида мамлакатимизда барча имкониятлар ишга солинаётганлиги ҳам ана шундан далолат бераяпти.

**Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**АКСЕЛС**

**Инглиз тили ва АҚШ мамлакатшунослигини ўқитишда аълочилик мукофоти дастури АҚШда қисқа муддатли малака ошириш имконияти**

Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати ва АҚШнинг Ўзбекистондаги Элчихонаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон ўрта мактаблари инглиз тили ва АҚШ мамлакатшунослиги ўқитувчилари учун мўлжалланган инглиз тили ва АҚШ мамлакатшунослигини ўқитишда аълочилик мукофоти дастурини эълон қилади. Ушбу дастур бўйича танловнинг биринчи босқичида республика ўрта мактабларида инглиз тили ва АҚШ мамлакатшунослиги соҳасида дарс берувчи ўқитувчиларнинг энг яхшиси аниқланади; иккинчи босқич ғолибларига нархи 200 АҚШ долларига тенг бўлган индивидуал ўқув материаллари топширилади; танловнинг энг сўнгги босқичида миллий ғолиблар аниқланиб, уларга АҚШда олти ҳафталик ёзги малака оширишда қатнашиш имконияти берилади.

Дастурда
- *Ўзбекистон ўрта мактабларининг бирида (5-11 синфларда) инглиз тили ёки АҚШ мамлакатшунослиги ўқитувчиси бўлган;*
- *ўрта мактабда камида 3 йил иш тажрибасига эга бўлган;*
- *2000-2001 ва 2001-2002 ўқув йилларида ўрта мактабда ишлашни режалаштираётган;*
- *охирги беш йил мобайнида АҚШ ҳукумати ҳомийлик қилган дастурларда қатнашиб Америка Қўшма Штатларига бормаган;*
- *олий маълумотга эга бўлган*

шахслар қатнашиши мумкин.

Инглиз тили ва АҚШ мамлакатшунослигини ўқитишда аълочилик мукофоти дастурида иштирокчилар ирқи, ранги, жинси, этник келиб чиқиши, жисмоний аҳволи ва ногиронлиги белгиларига кўра фарқланилмайди. Иштирокчилар ёши танлов жараёнида эътиборга олинмайди.

Тўлдирилган мурожаатномалар барча лозим ҳужжатлар билан бирга 1999 йил 14 январга қадар қуйидаги офислардан бирига топширилиши шарт.

Қўшимча ахборотни қуйида кўрсатилган маслаҳат маркази ва офисларда олиш мумкин: **Тошкент** (371) 152 21 81(86), **Самарқанд**: (3662) 35 02 74, **Нукус:** (361) 222 89 57, **Наманган**: (36922) 6 27 50, **Бухоро:** ахборот ва маданият маркази, (365) 224 22 46.

2216-А

*Fairtrade - Олмониянинг кўргазмалар ташкилотчиси Сизларни таклиф этади.*

**Construct '99 Central Asia**

**1999 йил 26 - 29 октябр**
**Ўзбекистон, Тошкент, Амир Темур кўчаси, 107, «Ўзэкспомарказ»**
Иш вақти: 10.00 - 17.00

**Мутахассислар билан учрашиш имкониятини қўлдан бой берманг.**
Жаҳоннинг етакчи фирмалари ўзларининг янги технология ва маҳсулотларини намойиш этадилар.

Қурилиш машина ва ускуналари соҳасидаги: Arabboy,CBS Turkey, CITES Conditioner Ltd., Fritz Fuss,Herls-Seramik,Kale Kilit, Knauf,Oventrop, Pakpen, Paschal-Werk-G.Maier, Projektierung und Anlagenbau, Reflex Winkelmann & Pannhoff, Viessmann, Wilo каби етакчи фирмалар Сизларни олқишлайди.

Марказий Осиёда 3-маротаба бўлиб ўтадиган қурилиш индустрияси ва материаллари, маиший техника, уй учун ички жиҳозлар ва маҳсулотлар халқаро кўргазмасига ташриф буюринг!

Амир Темур метро бекатидан «Ўзэкспомарказ» бўйлаб ҳар 20 дақиқада тезюрар автобуслар қатнайди.

**Ташкилотчилар:**

fairtrade

Fairtradeнинг Тошкентдаги офиси: Амир Темур кўчаси, 107, 3-павильон. Тел.: 345495 Факс: 344460

UZEXPOCENTRE
Амир Темур кўчаси, 107, 700084, Ўзбекистон, Тошкент.

2221

